

# Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 14 февраль кунидаги жума тезисига қўшимча ИЛОВА

## Китобхонлик – буюк келажак кафолати

Маълумки, илм-маърифатли бўлишнинг энг асосийси омили – китоб ўқишидир. Дарҳақиқат, китоб ўқиши қалб чигалликларини ёзади, кўнгилга хузур бағишлайди, жаҳолатга барҳам беради, турли-туман васвасаларни киши онгидан қувиб чиқаради. Китоб – ҳаётнинг қоронғу йўлларини ёритиб борувчи чирокдир! Кўп китоб ўқийдиган инсон ҳаётда улкан муваффақиятларга эришади.

Машҳур саҳоба ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаху шундай деганлар:

أَقْلُ النَّاسِ قِيمَةً أَقْلَهُمْ عِلْمًا

яъни: “Инсонларнинг энг қадри ози – илми озидир”.

Илмсизлик, жаҳолат инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб бориши муқаррар. Инсонлар илм орқали Парвардигорларини танийдилар. Дунё ва охиратларини илм билан обод қиласдилар.

Ҳасан ибн Саҳл раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: “Маъмун ухлагандан атрофида китоблари турар эди. Ухлашдан олдин ҳам китоб ўқир, уйқудан уйғониб кетганида ҳам китоб ўқир эди. У шундай деб кўп насиҳат қиласдилар эди:

إِسْتَعْنُ عَلَى وَحْشَةِ الْغُرْبَةِ بِقِرَاءَةِ الْكُتُبِ، فَإِنَّهَا أَلْسُنٌ نَاطِقَةٌ وَعُيُونٌ رَامِقَةٌ

яъни: “Ёлғизлик гурбатини китобларни ўқиши билан енггин. Зоро, китоблар сўзлагувчи тиллар ва тикилиб турувчи кўзлардир”.

Буюк аждодимиз Амир Темур ҳам: “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму-донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”, – деганлар.

Ўтган машҳур уламолардан Абул Фараж Ибн Жавзий китоб мутолаасига бўлган муҳаббати ҳақида шундай дейди: “Мен ўз ҳолим ҳақида айтадиган бўлсан, китоб мутолаасидан ҳеч тўймаганман. Агар ўзим ўқиб кўрмаган бирор китобни кўриб қолсан, гўё хазинанинг ичига тушигандек бўлиб қолардим. Агар мен: “йигирма минг мужсаллад китоб ўқиб чиққанман” десам ҳам, муболага қилган бўлмайман, лекин китоб ўқишида давом этяпман”.

Доноларимиз: “Китобларни ёқиб юбориш оғир жиноят, бироқ дунёда ундан-да оғирроқ жиноят бор, у – китоб ўқимаслик”, – деганлар.



**Хурматли юртдошлар!** Китоб – бу қимматли мерос, уни баҳам кўриш эса инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан биридир. Шу сабабли Адлия вазирлиги мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида республикамиздаги давлат хизматлари марказларида китоб алмасиш учун маҳсус “зиё улашиш” бурчакларини ташкил этмоқда.

Китоб улашиш – бу китобларни эркин алмасиш маданиятидир. Биз ҳар биримиз ўқиган китобимиз билан бошқаларни ҳам хабардор қилиш, илмга қизиқтириш ва ўзаро билим алмасиш имкониятига эгамиз. Адлия вазирлиги ушбу маданиятни кенг оммалаштириш мақсадида 2024 йил “Зиё улаш” акциясини бошлади. Дастраси босқичда адлия тизими ходимлари ўзлари ўқиб бўлган китобларни ихтиёрийлик асосида келтириб топширдилар. Ушбу китоблардан республикамиз бўйлаб 200 дан ортиқ маҳалла кутубхоналари ташкил қилинди. Эндиликда ушбу ташаббусга кенг жамоатчиликни ҳам жаб қилиш мақсадида лойиҳани янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган. Бу ташаббус:

- Китобхонликни оммалаштириш;
- Жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурматни ошириш;
- Ёш авлодни билимга чанқоқ қилиб тарбиялаш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

**Хурматли жамоат!** Биз сизларни ушбу эзгу ташаббусга кўшилишга чақирамиз. Қуйидаги йўллар орқали ёрдамингизни кўшишингиз мумкин:

- 1. Китоблар ҳадя қилиш:** Ўзингиз ўқиган, лекин ҳали бошқаларга фойдаси тегиши мумкин бўлган китобларни давлат хизматлари марказларида “Зиё улаш” бурчакларига олиб келинг.
- 2. Атрофдагиларни “Зиё улаш” ташаббусини қўллаб-куватлашга чақириш:** Дўстларингиз, ҳамкасларингиз ва бошқа давлат ташкилотлари ходимларини ушбу ташаббусда иштирок этишга даъват этинг.
- 3. Тарғиб қилиш:** “Зиё улаш” бурчакларининг афзалликлари ҳақида яқинларингизга айтиб беринг, ижтимоий тармоқларда улар ҳақида ёзинг.

Аллоҳ таоло барчамизга билим ва маърифат ато қилсин, фарзандларимизни зиёли халққа фойдали солихлардан бўлишини насиб қилсин, илму маърифатда пешқадам бўлгани аждодларимиз изидан боришини барчамизга насиб айласин! Омин!

